

Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2022 йил 2 август
сешанба
№ 29 (1337)


www.hudud24.uz
insonvaqonun@adliya.uz
fb.com/hudud24official/
t.me/hudud24official/

hudud24

Endi 24 soat siz bilan!

Энг сўнги хабарлар
Хуқуқий маълумотлар
Тахлилий мақолалар
Мурожаатга жавоблар

АДЛИЯ вазирлиги томонидан расмий ҳужжатларга электрон тарзда апостиль қўйиш бўйича давлат хизматини кўрсатишни техник жиҳатдан қўллаб-қувватловчи "Е-App" (Electronic Apostille Programm) ва "Е-register" дастурлари ишлаб чиқилиб, фойдаланишга топширилди.



Ҳозирда сифатли давлат хизматини кўрсатиш мақсадида расмий ҳужжатни имзолаш ваколатига эга мансабдор шахсларнинг имзолари ва ташкилот муҳр изи намуналарини рақамлаштириш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Биринчи босқичда таълим ва фан соҳасига тегишли расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш бўйича давлат хизматидан фойдаланишингиз мумкин.

Апостиль – расмий ҳужжатни имзолаган мансабдор шахснинг имзоси ҳақиқийлигини, имзолаш ваколати мавжудлигини ҳамда ҳужжатни тасдиқлаган муҳр ёки штамп босма изи ҳақиқийлигини тасдиқлайдиган, расмий ҳужжатга чет элда фойдаланиш мақсадида қўйиладиган махсус штамп.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш таълабини бекор қилувчи конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2011 йил 5 июлдаги қарорига мувофиқ давлат хизмати қуйидаги органлар томонидан кўрсатилади:

- адлия органлари ва муассасаларидан ҳамда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларидан чиқадиган расмий ҳужжатлар бўйича – Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари;
- судлардан чиқадиган расмий ҳужжатлар бўйича – Олий суд;
- прокуратура, тергов, суриштирув ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлардан чиқадиган расмий ҳужжатлар бўйича – Бош прокуратура;
- таълим ва фан соҳаси ташкилотларидан чиқадиган расмий ҳужжатлар бўйича – Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси;
- бошқа расмий ҳужжатлар бўйича – Ташқи ишлар вазирлиги.

Апостиль қўйиш "Е-App" дастури орқали штамп генерация қилинганидан сўнг расмий ҳужжатга апостиль босма изини босиш йўли билан амалга оширилади ва у генерация қилинган штампда мавжуд бўлган маълумотлар билан тўлдирилади.


Мазкур штампни "Е-register" дастурида "Е-App" дастури билан бериладиган махсус рақам орқали текшириб олиш имконияти мавжуд.

Усмон БАРАТОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими


2022 йил 12 апрелда Ўзбекистон Республикасининг "Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун билан 2003 йил 24 апрелдаги "Банкротлик тўғрисида"ги қонун ўз кучини йўқотди.

Барчада "Нега қонун номидаги "банкротлик" деган тушунча "тўловга қобилиятсизлик" деган тушунча билан алмаштирилди? Ёки улар тенг тушунчаларми?" деган савол туғилиши табиий.

Аслида "тўловга қобилиятсизлик" кенг тушунча бўлиб, "банкротлик" тушунчасидан фарқ қилади.



Уйда туғилган боланинг туғилганлик факти қандай расмийлаштирилади?



4-бетда ўқинг >



КИМЛАР ИМТИЁЗЛИ РЎЙХАТГА КИРИТИЛАДИ?

- ✓ Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш тартиби қандай?
- ✓ Қайси тоифадаги болалар мактабгача таълим муассасасига қабул қилишда имтиёзли рўйхатга киритилади?
- ✓ Болалар нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига ҳам имтиёз бўйича қабул қилинадими?
- ✓ Ушбу давлат хизматини кўрсатишда пул ундириладими?

5-бетда ўқинг >

БАНКРОТ – КИМ?

2022 йил 12 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун билан 2003 йил 24 апрелдаги “Банкротлик тўғрисида”ги қонун ўз кучини йўқотди.

Барчада “Нега қонун номидаги “банкротлик” деган тушунча “тўловга қобилиятсизлик” деган тушунча билан алмаштирилди? Ёки улар тенг тушунчаларми?” деган савол туғилиши табиий.

Аслида “тўловга қобилиятсизлик” кенг тушунча бўлиб “банкротлик” тушунчасидан фарқ қилади.

ЯНГИ ҚОНУННИНГ
АСОСИЙ ЯНГИЛИКЛАРИ

“Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонун билан қонунчилигимизга киритилган энг асосий янгиликларга тўхталиб ўтас:

Биринчидан, қонунчиликка тўловга қобилиятсизликнинг соғломлаштириш таомилларини қўллашни рағбатлантириш мақсадида вақтинчалик ва доимий тўловга қобилиятсизлик аломатлари киритилди. Чунки, вақтинча тўловга қобилиятсизлик аломати аниқланганда қарздорга нисбатан дастлаб соғломлаштириш таомиллари қўлланилади ҳамда жорий солиқ тўловларини тўлаш тўхтаб турилади. Доимий тўловга қобилиятсиз деб топилганда унга нисбатан тугатиш таомиллари қўлланилади.

Мазкур қонуннинг 5-моддасига кўра:

■ агар тегишли мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан уч ой ичида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, шахрни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхоналар томонидан эса олти ой ичида бажарилмаса, судга мурожаат этиш сана-сида қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги – вақтинча тўловга қобилиятсизлик аломати;

■ агар судга ариза бериш санасидаги ва ариза берилган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида, агарда ариза йилнинг биринчи чора-гида берилган бўлса, ўтган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида қарздорнинг мажбуриятлари унинг активлари қий-матидан ошиб кетган бўлса – доимий тўловга қобилиятсизлик аломати бўлиб ҳисобланади.

Иккинчидан, қарздор тузган битимларнинг ҳақиқий эмаслиги асослари кенгайтирилди. Эндиликда, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш қўзғатилгунга қадар қарздор томонидан тузилган паст қий-матдаги битимлар, қарздорнинг ҳолатини жиҳдий равишда

“Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонунда белгиланган асосий тушунчаларга кўра:

■ банкрот – суд қарорига асосан тўловга қобилиятсиз деб топилган ва ўзига нисбатан тугатишга доир иш юритиш ёки мол-мулкни сотиш тартиб-таомили қўлланиладиган қарздор;

■ тўловга қобилиятсизлик – суд томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қаноатлантиришга ва солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини тўла ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам аввал “Банкротлик тўғрисида”ги қонун номи билан аталган “банкротлик” атамаси фақат иқтисодий ночор корхонани банкрот деб топиш ва уни тугатиш билан боғлиқ тушунчани аниқлатганлиги боис “тўловга қобилиятсизлик” тушунчасини қонунчиликка киритиш заруратини келтириб чиқарди. Янги қонун ўз кучини йўқотган “Банкротлик тўғрисида”ги қонундан тубдан фарқ қилиб,

иқтисодий ночор аҳволга тушган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомилларини қўллаш орқали соғломлаштиришга ҳамда улар фаолиятини қайта тиклашга қаратилган.

“Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонуннинг мақсади юридик ва жисмоний шахсларнинг, шунингдек, яққа тартибдаги тadbиркорларнинг, тўловга қобилиятсизлиги соҳаси-

даги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Бироқ унинг нормалари матлубот кооперативи ёки ижтимоий фонд шаклидаги фаолиятни амалга ошираётган юридик шахслардан ташқари, давлат муассасаларига ва бошқа нотижорат ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Мазкур қонуннинг тузилиши умумий қоидалар ва яқунловчи қоидаларни ўз ичига олувчи 17 та боб, 249 та моддадан иборат.

“БАНКРОТЛИК” ва “Тўловга қобилиятсизлик”: АСОСИЙ ФАРҚ ВА ЯНГИЛИКЛАР

ёмонлаштириб, молиявий йўқотишларга олиб келган битимлар суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Учинчидан, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишда қарздор раҳбарининг ва бошқа шахсларнинг жавобгарлигига оид янги нормалар киритилди. Жумладан, агар юридик шахснинг тўловга қобилиятсизлиги шу юридик шахс учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган муассис (иштирокчи) сифатидаги шахснинг ёки юридик шахс мол-мулки эгасининг ёхуд қарздорнинг ишларини бошқарувчи шахснинг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли юзага келган бўлса, юридик шахснинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда бундай шахс зиммасига унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкинлиги белгиланди.

Тўртинчидан, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишларда фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритишга ихтисослашувчи бўйича лицензияга эга бўлган адвокатлар ҳам суд бошқарувчиси бўлиш ҳуқуқига эга бўлди.

Бешинчидан, суд бошқарувчиларининг ҳуқуқлари кенгайтирилди. Эндиликда суд бошқарувчилари:

■ давлат хизматларидан, шу жумладан Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги орқали кўрсатиладиган хизматлардан олдиндан ҳақ тўла-масдан фойдаланиш;

■ қарздорнинг мулк, ҳисобварақлари ва депозитлари, шу жум-

ладан кредит карталари, электрон баланслари ва электрон пул ўтказмалари тўғрисида жисмоний ва юридик шахслардан (шу жумладан кредит ташкилотларидан) ҳамда давлат органларидан бепул ахборот олиш;

■ ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариш учун давлат солиқ хизмати ва божхона органларидан, бюджетдан ташқари жамғармалардан, кўчмас мулкка оид ҳужжатларни рўйхатдан ўтказувчи органлардан ҳамда қарздор корхона ва унга тегишли мол-мулк тўғрисида зарур ахборотга эга бўлган бошқа ваколатли органлардан ахборот олиш ва бошқа ҳуқуқларга эга.

Олтинчидан, кредиторлик қарзларни қайтаришни таъминлашга қаратилган нормалар киритилди. Жумладан, қарздор мулкни такрорий онлайн-аукцион савдоларига чиқариш, бунда мулкнинг нархини босқичма-босқич пасайтиришга оид қоидалар белгиланди. Қонуннинг 126-моддаси ўн бешинчи қисмига кўра корхона мулкий мажмуа сифатида сотиш нархи кредиторлар йиғилишининг ёки кредиторлар қўмитасининг қарорига кўра босқичма-босқич пасайтирилиши мумкин, бунда пасайтириш миқдори аввалги кимшод савдосидаги нархнинг ўн фоизидан кўп бўлмаслиги керак. Агар мулкий мажмуа сифатида сотилаётган корхона (бизнес) дастлабки савдодаги

бошланғич нархидан йигирма фоизгача камайтирилган нархда сотилмаса, кейинги такрорий савдонинг бошланғич нархи кредиторлар йиғилиши билан келишилган ҳолда белгиланиши мумкин. Бунда пасайтириш миқдори дастлабки савдодаги бошланғич нархдан эллик фоиздан ошмаслиги керак.

Еттинчидан, мазкур қонун билан миллий қонунчилигимизда илк бор жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги институти киритилди. Эндиликда иқтисодий суд томонидан жисмоний шахс ҳам тўловга қобилиятсиз деб топилиши мумкин. Мазкур Қонуннинг 195-моддасига асосан жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги аломатлари бўлиб:

■ қарздор жисмоний шахснинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қаноатлантиришга ва солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятини тўлиқ ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги;

■ агар тегишли мажбуриятлар ва тўлов мажбуриятлари юзага келган кундан эътиборан уч ой ичида қарздор жисмоний шахс томонидан бажарилмаганлиги;

■ қарздор жисмоний шахсга нисбатан талаблар базавий ҳисоблаш миқдорининг камида икки юз баробарини ташкил этиши ҳисобланади.

Жисмоний шахсни тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги ариза билан иқтисодий судга – қарздор жисмоний шахс, кредитор, шунингдек давлат солиқ хизмати ва бошқа ваколатли органлар мурожаат қилиши мумкин.

Юридик шахслар ва яққа тартибдаги тadbиркордан фарқли равишда қарздор жисмоний шахсга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда қарзни таркибий жиҳатдан ўзгартириш, банкротликни тан олиш ва мол-мулкни сотиш тартиб-таомиллари қўлланилади. Жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлигига оид қоидалар (Қонуннинг 14-боби) 2023 йил 1 январдан эътиборан кучга кириди.

“Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг “Бизнес юртиш” бўйича халқаро рейтингларда юқори ўринни эгаллашига, тўловга қобилиятсиз юридик ва жисмоний шахсларга соғломлаштириш тартиб-таомилларини қўллаш орқали уларнинг тўлов қобилиятини тиклашга, фаолиятини сақлаб қолишга, қарздор ва кредиторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади.

Ирода САЛИМОВА,
ТДЮИ Фуқаролик процессуал ва иқтисодий процессуал ҳуқуқи кафедрасининг доценти в.б., ю.ф.ф.д.





ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН ОЧИКЛИК ИНДЕКСИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2022 йил 14 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан, давлат бюджети ва халқаро молия институтлари маблаглари ҳисобидан молиялаштирилаётган лойиҳалар, шу жумладан, истикболли инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари бўйича уларнинг асосий техник кўрсаткичлари ва бошқа лойиҳа ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар очик маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатига киритилади.

Индекс давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ҳўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналарида очиклиги таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш имконини беради.

MOBILE-ID ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президентнинг 2022 йил 20 апрелдаги “Давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат хизматла-

ри кўрсатиш миллий тизимини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан жисмоний шахсларни идентификациялашнинг Мобил-ID тизими давлат хизматларидан фойдаланиш учун шахсни идентификациялашнинг мавжуд воситалари билан параллел равишда ишлайди. У шахсни унинг мобил телефон рақами орқали идентификациялашни назарда тутди. Мобил-ID тизими ёрдамида идентификациялаш фуқаронинг хоҳишига кўра давлат хизматлари марказлари ёки нотариал идоралар томонидан ёхуд ЯИДХПнинг мобил иловаси орқали амалга оширилади.

НОГИРОНЛАР УЧУН “ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ ЭКСПЕРТИЗА” ЭЛЕКТРОН ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Президентиимизнинг 2021 йил 27 ноябдаги “Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати фаолияти ҳамда болаларга ногиронликини белгилаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан, 2022 йил 1 августдан бошлаб, дастлаб Тошкент шаҳрида ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларида ҳисобга олиш ва қўриқдан ўтказишнинг янги “Тиббий-ижтимоий экспертиза” электрон ахборот тизими жорий этилди.

ЮРИДИК ХИЗМАТ КўРСАТИШ МАРКАЗЛАРИ МАКТАБЛАР, БОЛАЛАР БОҒЧАЛАРИ ВА ПОЛИКЛИНИКАЛАРГА ХИЗМАТ КўРСАТИШНИ БОШЛАЙДИ

Президентнинг 2022 йил 18 мартдаги “Юридик хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятини янада кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига асосан республиканинг барча туман ва шаҳарларида юридик хизмат билан таъминланмаган

давлат органлари ва ташкилотларининг қуйидаги туман (шаҳар) бўлинмаларига юридик хизмат кўрсатилади:

Бўлимлар:

- маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими;
- қишлоқ ҳўжалиги бўлими;
- туризм ва маданий мерос бўлими;
- спортни ривожлантириш бўлими;
- оила ва хотин-қизлар бўлими;
- Давлат солиқ инспекцияси;
- аҳоли бандлигига қўмаклашиш маркази;
- умумий ўрта таълим мактаблари;
- мактабгача таълим ташкилотлари;
- кўп тармоқли марказий ва оилавий поликлиникалар.



ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКАЛАРНИНГ ИШИ РЕЙТИНГ БўЙИЧА БАҲОЛОНАДИ

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 25 апрелдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами-ни аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига асосан, оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларнинг иш самарадорлигини баҳолашнинг янги рейтинг тизими жорий қилинади.

Бунда:

- ҳудудда ортиқча вазндан халос бўлиш, тўғри овқатланиш тамоийилларига риоя этиш, жисмоний фаолликини ошириш, инфаркт, инсульт, қандли диабет, онкология каби касалликларнинг олдини олиш бўйича кўрсаткичлар асосий мезонлар бўлади;
- ҳар олти ойда ижобий кўрсаткичларга эришган тиббиёт ходимлари рағбатлантирилади ҳамда энг яхши натижа кўрсатган тиббиёт муассасаси мукофот ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади;
- ушбу тизим 2022 йилда Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги 11 та ҳамда Наманган вилоятининг Ўйчи туманидаги 12 та оилавий шифокор пункти ва оилавий поликлиникаларда, 2023 йилдан бошлаб босқичма-босқич барча ҳудудларда жорий этилади.

САНОАТ МУЛКИ МУҲОFAZАСИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

2022 йил 26 апрелдаги “Интеллектуал мулк соҳасини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорига асосан, Адлия вазирлигининг “Саноат мулки муҳофазаси портали” ишга туширилади. Портал орқали республикада ишлаб чиқарилаётган, реализация қилинаётган маҳсулотларни уларда қўлланилган ном, қадоқлар ва бошқа реквизитларда интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни текшириш мумкин бўлади:


- товар белгиси;
- географик кўрсаткич;
- товар келиб чиққан жой номи;
- саноат намунаси.

Мақсуд МУСТАҒОЕВ, “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази масъул ходими

кўзгү

Айрим муаммолар муаммолигича қолмоқда

ДАВЛАТ хизматлари марказларига ташриф буюраётган ҳар бир фуқаро муаммосига ечим, мурожаатига қалит излаб келиши аниқ. Афсуски, кўп ҳолларда барча умидлар пучга чиқиб, муаммолар муаммолигича қолиб кетаётганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас.



Давлат хизматларини кўрсатишда, уларнинг сифат ва самарадорлигини ошириш, белгиланган муддатларда тақдим этилиши учун давлат идоралари ва ташкилотлари ваколатли орган ҳисобланади. Марказлар орқали юборилган фуқароларнинг ҳар бир сўровлари ўз вақтида қўриб чиқилиб, тегишли жавоб қайтарилиши лозим. Мурожаатни асоссиз рад этишга ҳам, вақтида қўриб чиқмасликка ҳам, ортиқча ҳўжат талаб қилишга ҳам ҳаққимиз йўқ. Бироқ ана шу тамоийилни бутунчи кун масъуллари унутиб қўймоқда. Оқибатда хизмат ҳақини тўлаб

қўйган истеъмолчининг қонуний манфаатлари қўпол равишда бузилмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг ўтган 6 ойида туман (шаҳар) давлат хизматлари марказларидан юборилган маҳсус хабарларнинг қўли ваколатли органлар томонидан қонунда белгиланган тартибда ҳал этилмаган. Ўтказилган текшириш ва мониторинглар натижасида бу ўз тасдиғини топиб, ваколатли идоралар томонидан 5 минг 117 та қонунбузилиши ҳолатлари аниқланди.

Тахлилларга кўра, 4 минг 234 та ҳолатда давлат хизматлари

кўрсатиш муддатлари бузилган, 821 та ҳолатда тўғридан-тўғри давлат хизматлари кўрсатилган, 56 та ҳолатда мурожаатлар асоссиз рад этилиб, 6 та ҳолатда бошқа қонун бузилишлари содир этилган. Афсуски, қўрилаётган таъсир чораларига қарамаддан тегишли ҳўлоса чиқармаётган давлат идоралари ва ташкилотлари сони камаймаётган. Масалан, кадастр идоралари (1 минг 750 та), газ таъминоти (1 минг 584 та), сув таъминоти (594 та), электр таъминоти (127 та), қурилиш (83 та), туман (шаҳар) ҳокимликлари қарамаддан тегислаш муассасалари (240 та), давлат солиқ инспекциялари (378 та) ҳали хануз мазкур рўйхатда “етақ”чилик қилишмоқда. Наҳотки, ушбу идораларда фуқароларнинг мурожаатлари назоратсиз қолаётганига планжа орасидан қаралса? Улар учун истеъмолчи манфаатларининг бир қақалик қадрли йўқми? Ота-боболаримиз бизни ҳамиша биронинг мушқулини осон қилишга, яхшилик қилишга ундаб келган. Лекин бу ерда гап кимгадир шунчаки ерда бериш ҳақида эмас, хизмат ҳақини тўлаб қўйган истеъмол-

чи ва ҳар бир мурожаат ортдаги тақдирлар ҳақида кетмоқда.

Биргина мисол, “Graver Menedjment” МЧЖнинг Самарқанд шаҳар давлат хизматлари маркази орқали 2022 йил 15 майда юборилган объектга қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилиш учун рухсатнома олиш тўғрисидаги сўровномаси ижро учун Оқдарё туман қурилиш бўлимига юборилган. Бироқ мазкур сўровнома ваколатли орган томонидан жорий йилнинг 17 май куни “Ижарага берувчи ернинг фойдаланиш мақсадини бошқа фаолият турига ўзгартириш ва қўшимча қурилишга берилгандан сўнг рухсат берилишини таъминлаймиз...”, деган ваз билан рад этилган.

Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги 200-сонли қарори билан тасдиқланган “Био ва иншоотларнинг ихтисослаштириш ўзгартириш, қайта қуриш, реконструкция қилиш ҳамда ўз ҳудудда қўшимча био ва иншоотларни лойиҳалаштиришга рухсатнома бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти”нинг 18-бандида ваколатли органга сўровнома тушганидан сўнг, 7 иш куниде объектни жойига бориб, био ва иншоотларнинг

ихтисослаштириш ўзгартириш, қайта қуриш, реконструкция қилиш ҳамда ўз ҳудудда қўшимча био ва иншоотлар қуриш имкониятлари мавжудлигини ўрганиши ва QR-код қўйилган рухсатномани бериш ёки рад этишининг аниқ сабабларини кўрсатган ҳолда рухсатнома бериш рад этиши белгиланган. Яъни, Оқдарё туман қурилиш бўлимининг мазкур ҳолатдаги ҳатти-ҳаракатлари қонунчилик талабларига зид ҳисобланади.

Аниқланган қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва келгусида уларнинг олдини олиш мақсадида масъулиятсизликка йўл қўйган ваколатли идораларнинг раҳбарлари номига 19 та тақдирнома ва 772 та огоҳнома киритилди. Шунингдек, 54 нафар айбдор шахсга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилди. Қўлланилган таъсир чоралари натижасида ваколатли органларнинг 18 нафар ходимига нисбатан интимижий жазо чоралари қўлланилиб, 54 нафар айбдор раҳбар ва ходимлар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шерзод АЗИЗОВ,
Самарқанд вилоят адлия
бошқармаси масъул ходими



Таътилдаги ходимга интизомий жазо берса бўладими?

– Ходим меҳнат таътили даврида бўлса ҳам интизомий жазо чораси берса бўладими?

– Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 182-моддаси бешинчи қисмига кўра, интизомий жазо бевоқифа ҳолатда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узоғи билан 1 ой ичида қўлланилади. Ходим таътилда бўлган вақти интизомий жазо қўлланилиши керак бўлган 1 ойлик муддат ўтиши тўхтаб туради. Ходим таътидан қайтгач, интизомий жазони қўллаш мумкин.

Бундан ташқари, Меҳнат кодексининг 100-моддаси (Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш) учинчи қисмига кўра, ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ва меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таътилларда бўлган даврида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, қорхона бутунлай тугатилган ҳоллар бундан мустасно.

Ходим таътилда бўлган вақтида интизомий жазо қўллаб бўлмайди. Чунки, Меҳнат шартномасини Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисмининг 3 ва 4-бандлари бўйича бекор қилиш интизомий жазо чораси ҳисобланади.



Қандай йўл тутсам бўлади?

– 17 августдан меҳнат таътилига чиқаман. Аммо “декрет” таътили ҳам августнинг ўртасига тўғри келмокда? Шу ҳолатда қандай йўл тутсам тўғри бўлади?

– Сиз ҳомиладорлик ва туғиш таътилингиз муддати давомида меҳнат таътилингиз муддатини узайтириш ёки бошқа муддатга кўчириш ҳуқуқига эга-сиз. Таътилингиз узайтирилишини ёки унинг фойдаланилмаган қисмининг кўчирилишини ходимнинг ёзма аризаси ва вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақаси асосида бўйруқ билан расмийлаштириш лозим.

Меҳнат кодексининг 145-моддасига кўра, ходимлар қўйидаги ҳолларда таътилни узайтириш ёки бошқа муддатга кўчириш ҳуқуқига эга:

- вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида;
- ҳомиладорлик ва туғиш таътили муддати бошланганда;
- йиллик таътил ўқув таътилига тўғри келиб қолганда;
- давлат ёки жамоат вазибаларини бажарётганда, башарти қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатларда бундай вазибаларни бажариш учун ходимни ишдан озод этиш назарда тутилган бўлса.

Меҳнатга лаёқатсиз ходимга таътил бериладими?

– Агар ходим 9 ой давомида меҳнатга лаёқатсизлик даврида бўлса, унга меҳнат таътили бериш мумкинми? Агар мумкин бўлса, меҳнат таътилига ҳақ тўлаш тартиби қандай?

– Мумкин. Масалан, меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 22-бандига кўра, сил касаллиги биринчи марта аниқланганда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври касаллик аниқланган кундан бошлаб камида ўн ойни ташкил қилган тақдирда бемор тегишли тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясига юборилиши мумкин. 10 ой беморга меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўланади. Ўн биринчи ойдан бошлаб иш берувчи ТИЭКа мурожаат қилиши мумкин.



Бу ҳолатда ходимга меҳнат таътили берилмайди. Чунки Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 142-моддасида йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига ходим ҳақиқатда ишламаган бўлса ҳам, лекин унинг иш жойи (лавозими) сақланган вақт киритилиши белгиланган. Меҳнат таътилига ҳақ тўлаш эса Меҳнат кодексининг 148-моддасига кўра амалга оширилади. Яъни, йиллик таътиллари даври учун ходимга ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўлаш кафолатланади.

Ходим иккита ариза ёзиши тўғрими?

– Ходим меҳнат таътилига ариза ёзди. Орадан бир кун ўтиб, ҳомиладорлик ва туғиш таътилига ариза ёзди. Ходим иккита ариза ёзиши тўғрими?

– Меҳнат кодексининг 143-моддасига асосан, таътил аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш таътили олдидан ёки ундан кейин уларнинг хоҳиши бўйича биринчи иш йили учун олти ой ўтмасдан олдин берилмайди. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ходим ҳар иккала таътилдан бирин-кетин кетма-кетликда фойдаланиши мумкин.



Шунингдек, Меҳнат кодексининг 145-моддасига кўра, ходим ҳомиладорлик ва туғиш таътили муддати бошланганда йиллик ҳақ тўланадиган таътилни узайтириш ёки бошқа муддатга кўчириш ҳуқуқига эга. Агар таътилдан фойдаланишга тўқтинлик қилувчи сабаблар таътил бошлангунга қадар келиб чиққан бўлса, ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан таътилдан фойдаланишининг янги муддати белгиланади. Бундай сабаблар таътил даврида келиб чиққан ҳолларда таътил тегишли кунлар сонига узайтирилади ёки ходим билан иш берувчининг келишувига биноан таътилингиз фойдаланилмай қолган қисми бошқа муддатга кўчирилади. Ходим таътилдан фойдаланишга тўқтинлик қилувчи сабаблар тўғрисида иш берувчини хабардор қилиши шарт.



Уй-жой талаб қилиш ўринлими?

– Шаръий никоҳда бўлган аёл турмуш ўртоғидан уй-жой талаб қилиши мумкинми?

– Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 13-моддасида диний расм-рўсуллар билан тузилган никоҳ ҳуқуқий ҳисобланмаслиги белгиланган. Ушбу ҳолатда аёл қонуний никоҳ асосида оила қурмаганлиги сабабли турмуш ўртоғининг мол-мулкига даъвогарлик қила олмайди. Ўз навбатида, у ҳам аёлдан моддий манфаатдор бўлолмайди.

Нафақат шаръий никоҳда, қонуний никоҳда бўлса ҳам, қонуний никоҳ давомида эр-хотин биргаликда мол-мулк сотиб олмаган бўлса, улар бир-биридан нимадир талаб қилолмайди. Талаб қилиши ҳам мумкин, лекин қонунан ундириб ололмайди.



Уйда туғилган боланинг туғилганлик факти қандай расмийлаштирилади?

– Фуқаро Лола ўз хонадонидан врачлар иштирокисиз фарзандли бўлган. Туғуруқ жараёнида доялики сингисин билан бузиси амалга оширган. Шу ҳолатда Лола фарзандига туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома олиш учун нима қилиши керак?

– Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларининг 20-бандига асосан (Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги 378-сон қарори) туғуруқхоналардан ташқари жойларда ва тиббий ёрдамсиз туғилган боланинг туғилганлигини қайд этиш участка шифокори (фельдшер ёки акушер) томонидан берилган маълумотнома асосида амалга оширилади.

Бундай ҳолатларда боланинг ушбу онандан туғилганлигига гувоҳ бўлганлар иштирокида тузилган ва участка шифокори (фельдшер ёки акушер) тасдиқланган далолатнома тиббий маълумотнома бериш учун асос ҳисобланади.



Ёлғиз она солиқ тўламаслиги мумкинми?

– Ёлғиз оналар даромад солиғидан озод этиладими?

– Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 380-моддасига кўра, икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар даромадлар қайси ойда олинган бўлса, ўша ойда ҳар



Саволларга “Мадад” ННТ Навбахор туман ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси **Азиз САИДОВ** жавоб берди.

бир ой учун меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 1,41 баравари (1 297 200 сўм) миқдоридаги даромадлар бўйича солиқ солишдан озод этилади. Бу имтиёз ҳар бир бола учун фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан тақдим этиладиган маълумотнома асосида берилмайди.

Нега болалар нафақаси беришмади?

– Вояга етмаган уч фарзанднинг онасиман. Нега бизнинг оилага болалар нафақаси беришмади? Болалар нафақаси ўзи қандай оилаларга берилади?

– Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 октябрдаги 654-сонли қарори билан тасдиқланган низомга асосан, болалар нафақаси ва моддий ёрдам ушбу низомда белгиланган тартибда оила аъзоларининг тақдим этган аризаларига асосан “Ягона реестр” АТ орқали кам таъминланган (Киши бошига 498 минг сўмдан ортиқ бўлмаган) оила деб эътироф этилгандан сўнг тайинланади. Демак, аризангиз рад этилган бўлса, бунга шу норматив ҳужжат асос бўлган.



Парваришига муҳтож шахсларга ёрдам учун ҳам меҳнат стажини ҳисобладими?

– Онам 85 ёшда. Ўзим давлат ишида ишлайман. Турмуш ўртоғим эса, онам кекса бўлганлиги учун унга ёрдамлашиб уйда ўтиради. Турмуш ўртоғимга шу даврда онамга қараганлиги учун меҳнат стажини ҳисобладими?

– Ҳа, албатта, бунга қонуний асос бор. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунининг 37-моддасига кўра, 1 гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс ёки 16 ёшгача ногиронлиги бўлган болага, шунингдек ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган (даволаш муассасасининг ҳулосасига кўра) 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақт иш стажига қўшиб ҳисобланиши белгиланган.

Демак, соддароқ қилиб тушуниртганда, мазкур Қонунга асосан 3 хил тоифадаги шахсларга қараётганлар меҳнат стажига эга бўлиши мумкин:

- 1 гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсга қараётганлар;
- 8 ёшга тўлмаган (нечанчи гуруҳ ногирони эканлигининг аҳамияти йўқ) ногиронлиги бўлган болага қараётганлар;
- 80 ёшга тўлган ва парваришига муҳтож қариларга қараётганлар.



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

■ **ФУҚАРО 3.М. Беруний тумани адлия бўлимига мурожаат қилиб, туман халқ таълими бўлимига қарашли 62-сонли умумий ўрта таълим мактаби директори томонидан дарс соатлари олиб қўйилганлигидан норозилигини билдирган.**

ЎҚИТУВЧИНИНГ
ҲУКУҚИ
ТИКЛАНДИ

Мурожаат тегишли тартибда ўрганиб чиқилганда, фуқаро 3.М. ўрта махсус маълумотга эга бўлиб, 2007 йилдан буён 62-сонли умумий ўрта таълим мактабида бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаб келаётганлиги, 2021/2022 ўқув йилида мактабда дарс тақсими белгиланган тартибда педагогик кенгашда қўриб чиқилиб, кенгаш қарори асосида мактаб директорининг тегишли буйруғи билан барча ўқитувчиларга тегишли дарс соатлари, шу жумладан фуқаро 3.М. га 2-синфда уй шароитида таълим олаётган ўқувчини ўқи-

тиш учун 8 соат дарс тақсимланганлиги ва тарификациядан ўтказилиб, 2022 йилнинг 1 март кунига қадар ўқитилиб келинганлиги аниқланди.

Мактаб директорининг буйруғи билан фуқаро 3.М.дан 8 соат дарс асоссиз равишда олинган ва ходим буйруқ билан таништирилмаган.

“Умумтаълим муассасаларида синфларни комплекшлаш ҳамда тарификация рўйхатларини шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 15-бандида умумтаълим муассасалари томонидан шакллантирилган дарс соатлари сеткаси

умумтаълим муассасасининг педагогик кенгаши томонидан икки иш кун ичида қўриб чиқилиб, ҳар йили 15 сентябрга қадар ўқитувчиларга дарс соатлари ушбу бандда белгиланган кўрсаткичларнинг устувор кетма-кетлиги асосида тақсимланади. Умумтаълим муассасасининг педагогик кенгаши томонидан дарс соатлари қайта тақсимланиши мумкин, деб кўрсатилган. Бироқ, иш берувчи ушбу тартибга риоя қилмаган.

Иш берувчи томонидан ходимнинг меҳнат шартлари унинг розилигисиз ўзгартирилиб, меҳнат қонунчилиги қўпол равишда бузилган. Натижада 3.М.нинг бир ой давомида мажбурий бўш юриб қолишига олиб келган.

Туман адлия бўлимининг тақдимномасига асосан мактаб директорининг буйруғи бекор қилиниб, фуқаро 3.М.га асоссиз олиб қўйилган 8 соат дарси қайтариб берилди. Шунингдек, судга даъво ариза киритилиши натижасида суднинг ҳал қилув қарорига асосан мажбурий бўш юрган кунлари учун 963 минг сўм миқдоридан иш ҳақи ва маънавий зарар учун 963 минг сўм компенсация ундирилиши белгиланди.

Салтанат РАИМБЕКОВА,
Беруний туман адлия бўлими бошлиғи



БУХОРО

КИМЛАР ИМТИЁЗЛИ
РЎЙХАТГА КИРИТИЛАДИ?

— **БОЛАЛАРНИ** давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш тартиби қандай?

— Ота-оналар, уларнинг ўрнини босувчи шахслар (фарзандликка олувчилар, васийлар ва ҳомийлар), болаларнинг яқин қариндошлари (бобоси, бувиси, вояга етган акаси ё опаси) ёки учинчи шахслар (ариза берувчилар) йўлланмалар олиш учун давлат хизматлари марказларига ўзлари келиб мурожаат қилади ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталида рўйхатдан ўтади.

Давлат хизматидан комплекс таразда фойдаланиш учун ФХДЭ органига тўғилишни қайд этиш билан бир вақтда мурожаат қилишлари ҳам мумкин. Сўровнома тўлдирилиб, автоматик равишда Мактабгача таълимини бошқариш ахборот тизимига юборилади. Тегишли ташкилот ва гуруҳда бўш ўрин бўлганда — йўлланма шакллантирилади, бўш ўрин бўлмаганда — сўровнома тегишлича умумий ёки имтиёзли рўйхатга киритилади ҳамда хабарнома шакллантирилади.

— **Қайси тоифадаги болалар** мактабгача таълим муассасасига қабул қилишда имтиёзли рўйхатга киритилади?

— Қуйидагилар имтиёзли рўйхатга киритилади:

- I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг болалари;
- кўп болали оилаларнинг болалари;
- етим болалар ёки ота-онасининг қаровисиз қолган болалар;
- “Аёллар дафтари”га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғиз аёлларнинг болалари;
- контракт бўйича ҳарбий хизматчиларнинг ва ички ишлар органлари ходимларининг болалари;
- талабалар ва педагогларнинг болалари;
- акалари ёки опалари ушбу муассасанинг тарбияланувчилари жумласидан бўлган болалар;
- кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотлардан умумий турдаги мактабгача ташкилотларга ўтказилаётган соғайган болалар.

— Болалар нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига ҳам имтиёз бўйича қабул қилинадими?

— Болаларни имтиёзли рўйхат бўйича қабул қилиш давлат-хусусий шерикликка асосланган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига татбиқ этилмайди.

— Ушбу давлат хизматини кўрсатишда пул ундириладими?

— Болаларни ташкилотга қабул қилиш бўйича давлат хизмати бепул кўрсатилади.

Саволларга Бухоро вилоят адлия бошқармаси масъул ходими Сардор ИСКАНДАРОВ жавоб берди.



ТОШКЕНТ

■ **ФУҚАРО А.Курашинова** пенсия жамғармаси томонидан меҳнат стажига кам ҳисобланганлигидан норозилиги бўлиб, Янгиҳаёт туман адлия бўлимига мурожаат қилган.

ИШ СТАЖИ МЕҲНАТ
ДАФТАРЧАСИДА ҚАЙД ЭТИЛГАН,
ПЕНСИЯГА ЧИКИШДА ЭСА ТАН
ОЛИНМАГАН

Мурожаатни ўрганиш жараёнида пенсия жамғармасининг 2022 йил 21 июндаги қарорига асосан А.Курашинованинг 1991 йилдан 1992 йилгача, 1993 йилдан 1995 йилгача, 1995 йилдан 1996 йилгача, 2005 йилдан 2007 йилгача турли корхона ва ташкилотларда ишлаган иш стажини тасдиқлайдиган архив ва ойлик иш ҳақи маълумотномаси тақдим қилинмаганлиги сабабли пенсия ҳисоблашда инobatта олинмаганлиги аниқланди.

Ваҳолаки, Меҳнат кодексининг 81-моддаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 59-бандига асосан меҳнат дафтарчаси иш стажини тасдиқлайдиган асосий ҳужжат ҳисобланиши белгиланган.

А.Курашинованинг ҳисобга олинмаган иш стажига даврлари меҳнат дафтарчасида қайд этилганлиги сабабли пенсия тайинланишини таъминлаш мақсадида фуқаро манфаатида Тошкент туманлараро маъмурий судига даъво ариза киритилиб, фуқаронинг 1991 йилдан 2007 йилгача ишлаган даври пенсия ҳисоблашда инobatта олиниши таъминланди.

Фозил СУЮНОВ,
Янгиҳаёт туман адлия бўлими бошлиғи в.в.б



ТОШКЕНТ

Эътиборсизликми
ёхуд...Аёлларга туғиш
таътили нафақа
пули нега тўлаб
берилмаган?

■ **ЮНУСОБОД** туман адлия бўлими томонидан туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги мактаб ўқитувчиларига тўланадиган ҳомиладорлик ҳамда туғиш бўйича нафақалар ўз вақтида тўланаётганлиги бўйича мониторинг ўтказилди. Мониторинг натижасида 20 нафар педагог ходимга жами 90 миллион 265 минг 219 сўм нафақа пули вақтида тўланмаганлиги аниқланди.



ТОШКЕНТ

■ **ҚИБРАЙ** туман адлия бўлими томонидан 2022 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари манфаатини кўзлаб судларга 90 дан зиёд даъво аризалари киритилган. Даъво аризаларининг 98 фоизи қаноатлантирилган.

Ҳокимлик фермерга 4,3 миллиард сўм
компенсация пулини тўлаб берди

Жумладан, фермер ҳўжалик раҳбари А.Б.нинг туман адлия бўлимига Қибрай тумани ҳокимлиги томонидан компенсация пули тўланмаётганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати ўрганилганда, фермернинг талаби тўғрилиги тасдиқланди.

Ўрганиш натижасига кўра, туман адлия бўлими томонидан Чирчиқ туманлараро иқтисодий судига “Ўтказилган зарарни

Ваҳолаки, Меҳнат кодексининг 233-моддасига кўра, аёлларга туққунга қадар етмиш календарь кун ва туққанидан кейин эзлик олти календарь кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда — етмиш календарь кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилиб, давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақа тўланиши белгиланган. Ҳомиладорлик ва туғиш таътили жамланган ҳолда ҳисоблаб чиқилиб, туғишга қадар амалда бундай таътилни неча кунидан фойдаланилганидан қатъи назар аёлга тўлиқ тўлаб берилиши зарур.

Аниқланган қонун бузилишини бартараф этиш мақсадида туман адлия бўлими томонидан киритилган таъсир чораси натижасида ходимларга 90 миллион 265 минг 219 сўм нафақа пули тўлаб берилди.

Оятуллохўжа ҲАКИМОВ,
Юнусобод туман адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси

компенсация тарикасида ундириш” тўғрисида даъво аризаси киритилди. Суднинг 2021 йил 29 апрелдаги ҳал қилув қарорига асосан Қибрай тумани ҳокимлиги томонидан 4 миллиард 320 миллион 236 минг 601 сўм пул маблағи фермерга тўлаб берилди.

Жаҳонгир АБДУСАТТОРОВ,
Қибрай туман адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси

Ўзни ислоҳ қилмоқчимиз?

Ўзни ислоҳ қилмоқчимиз?

Ор-номус устунли қуламасин!

ИЖТИМОЙ тармоқларнинг тури кўпайди. Ҳар бирининг ўз қизиқувчиси бор. Ҳар гулнинг ўз шайдоси деганларидек, бугун Facebookни ўзига маскан тутганлар ҳақида гаплашгимиз келди.

Facebook ижтимоий тармоғида саҳифа очмаган, гурунглашмаётганлар жуда кам. Танишиб, дўстлашиб, ҳаётда ҳам дийдорлашиб, борди-келди қилиб кетган қадрдонлар, ҳатто оила қуриб, бахтли яшаётганлар ҳам талайгина. Бу мулоқот майдонини кундалик минбарига айлантирган, шу тезкор ва шиддатли замонда кунда бир эмас, бир неча соатлаб вақтини шу тармоқда ўтказётганлар жуда кўпайиб бормоқдаки, айрим мулоҳазалар билдиришни лозим топдик.

Бунинг нимаси ёмон, дерсиз. Лекин билагонлиги ўзибиларчилиқнинг, ўзбошимчалиқнинг ҳам чек-чегараси бор-да. Чегарани мен билан сиз қўймаслигимиз керак! Бу инсофдан бўлмайди. Ҳар кимнинг ўз одоб чегараси бор, шу чегарани бошқа биров эмас, ўзи қўя билса, қандай яхши. Бировнинг шахсий дахлсизлигини оёқоти қилиш ҳам яхши эмас! Чегарани одам ўзи қўя билмаса, бошқа биров айтади-да, барибир.

Ёши улугларимиз азалдан фарзанд тарбиясида хушёр бўлишган. Бугун биз глобал ўзгаришлар домига тушиб, шу хушёрликни йўқотиб қўйдик. Бе-гона ўтларнинг панасида қолиб кетган гулдек тоза қадриятларимиз, ўзбекона фазилатларимизнинг ранги эски матоддек оқариб, уникиб бормоқда.

Ор-номус устунли қуламасин, меҳру оқибат, қадр-қиммат йўқолмасин, ҳамяят девори нурамасин экан. Одам баласини инсон деган юсак макомда асраб, сақлаб турадиган бинонинг устунлари каби устунликлари бўлади. Мана шу устунлар дарз кетса, ҳақиқат тухмат балосига ғирфтор бўлса, адолат разолат сабаб ер билан яксон бўлса, бир оғиз сўз билан бир одамнинг покиза номи бўлганса, буни қандай қилиб индамай томоша қилиб туриш мумкин? Биргалашиб бировни қоралаб, "комментария"да изоҳ ёзиб, оддийгина фикр билдирдим, бунинг нимаси ёмон, деб ўйларсиз, балки. Ёмон жойи шуки, сиз ҳам фитнага, ғийбатга аралашиб қолдингиз, шуни биласизми?! Ғийбат билан фитнанинг замонавий кўриниши — изоҳ қолдириш, изоҳда кимнидир ноўрин камситиш ёки билиб-билмай, ҳатто у одамни ҳали қўрмаган бўлсангиз ҳам эшитганингизни гапириб. Ғумониймондан айиради, ахир!

Олманинг тагига олма тушади

Томошага ўқчи одам боласининг қониди бор одат. Лекин бугун бу одат оловдек алангаланиб, тобора катта майдонни қўйдириб, қулини кўкка совурмоқда! Интернет авж олгунча хўроз уриштириб, ит уриштириб ўрганган одам баласи энди одамнинг обрўси, ор-номуси, шаъни билан уришиб, завқланмоқда. Бу ўйинда аёллар бўлмаса, қошки эди.

Одамнинг айби бўлганда унинг ўзига айтишдек бир гўзал қадриятимиз бор. Ҳозир ҳам яхши тарбия кўрган, илмли, чин эишли, ички маданияти кучли инсонлар бировнинг айбини очик-ойдин ошкор қилмайди. Секингина ўзига йилни топиб, кўнглини синдирмай айтади, "личкаси"га ёзади. Тўғри маслаҳат бериб, кўнглини сўраб, унга ёрдам қилади. Ана шундай ички маданият ҳамма-даям шаклланмаган, афсуски.

Фақатгина қорин тўйдириш, бола боқиш чўнтакни тезроқ қаппайтириб, бойлик орттириш фикру ҳаёли билан, нафсига андармон бўлиб яшагача одатланиб қолиш одамни ич-ичидан келтириб. Рўзор ташвишлари билангина яшаш, тўй-маърака ҳаракати билан ҳориб-чарчаш, китоб ўқиб ёки ўзининг устидида ишлаб, маънавий билимини оширмаслик, етарлича дам олмаслик, ҳордик чиқариш ёки дам олишни интернетда гап сотиш ёки ТВдаги жанрини ҳам билиб бўлмайдиган телетомошалару савияси паст сериаллар билан ўтказиш ҳар қандай одамни ҳам асабий қилиб, маънавий дидини ўлдириб қўйиши бор гап. Табиатдан завқлана билмаслик, қуёш чиқиб-ботганини ҳам билмай, кунлар бунча тез ўтиб кетяпти, деб чопқиллаб яшаш ўзи ўтирган дарахт шохини ўзи кесиш билан баробар-ку! Умрни елга совуриш оқил одамнинг иши эмас сира.

Театрга бориш у ёқда турсин, тузуқроқ санъат асаридан бахраманд бўлолмаётган, дарду хасрати нафс изми-ю, ҳо-ю хаваслар доирасида қолиб кетган замондошларимизнинг аксарияти ўзининг нега инсон бўлиб яраганини ҳам унутаёзди.

Ҳаммага бирдек баҳо бермоқчи эмасмиз. Бу гап фикри ҳам сўзидек дадил, ҳолис бўлган мард, ўзбекнинг тўпори ҳарактерли оддий одамларига тегишли эмас! Аммо шу тугма табиийлигини, ҳавас қиларлик даражадаги оддийлигини биргина интернетдан тўғри фойдалана билмаслик оқибатида йўққа чиқараётганлар ҳам талайгина. Ҳар қандай буюмдан ҳам тўғри ёки нотўғри фойдаланиш мумкин. Натижа ҳам шунга яраша бўлади. Бугун сиз Facebook-

дан қандай фойдаланаётган бўлсангиз, олаётган натижангиз ҳам шунга яраша! Олманинг тагига олма тушади, ахир!

Лекин ноумид шайтон, зора, тилимиз ўнганса, бир-биримизни асраб-авайлаб гапиришни ўргансак. Бир-биримизни эҳтиётласак эди, қошки. Одам одамга ғанимат, ахир!

Отанг ўтирган уйнинг томига чиқма

Отага, ёши улугларга ҳурмат борасида гап кетганда, шу мақол ёдимга келади доим. Ижтимоий тармоқларда ёши катталарни ҳақорат қилишга уринишлар кўпаяётгани эса ачинарлидир. Давлат хизматида ишлаб, сочи оқарган, бир умр эл хизматида бўлганларни ҳам ҳақорат қилиш урчиб бормоқда.

Бугун саксонни қоралаган отасидан катта одамни ҳақорат қилаётган фарзандингиз ёки у қатори ёшлар эртага сизни ҳақорат қилмайдими?! Ўз отасининг, онасининг қотили бўлиб қолаётган оқлабдор ёшлар қайси муҳитда ўлғаяётганини қўриб-билиб туриб ҳам индамасликка ўргандик, кўнлик ҳатто!

Бу ҳурматсизликлар ортда билимсизлик деган бир бало турибди. Буни англамаямиз. Бугун англамасак, эртага жуда кеч бўлиши тайин. Сабаби, бу билимсизлик ҳоли инсонни инсофу диёнатдан, ор-номусдан айиради. Ор-номуси, ҳамяяти, инсофу диёнати ўлган куруқ танадан нияман қуттиш мумкин?! Ҳой, ўқитувчисини калтаклаганларни оқлаётганлар, сиз ҳам фарзанди ўстираясизми? Эртага шу фарзандингиз кучдан қолганингизда бир коса иссиқ овқат тутишга ким кафолат бера олади?

Нафислигинг ўзи бир зийнат...

Аёл деган биргина сўз ортда қанча мўъжиза мумкин. Бу мўъжиза сўз замирида бутун бир миллатнинг онаси бўлишдек шарафли ном ҳам бор. Аммо аёл эоти бу шарафли мартабага лойиқлигини унутса, бундан хунук манзара бўлмаса керак.

Ор-номус пардаси кўтарилаганига анча бўлди. Наевбат нимага етди, сизингча?! Наевбат "самосуд"га етдими, йўқ, ундан ҳам ўзиб кетдик. Айбдор деб билганимизнинг кўнглини тушуниб-тушунмай, гапини эшитиб-эшитмай, фақат ўзимизникини маъқуллаб, ўзбошимчалик билан жазолашга ўтдик. Энг ачинарлиси, буни фото ёки видеотасвирга олиб, ижтимоий тармоқларда тарқатиб, завқланадиган бўлдик.

Аламлиси, жазоланаётганларни танитмаганлар ҳам унга ҳукм чиқармоқда. Етти ёт бе-гона одамни танитмай-билмай,

унинг яшаш тарзи-ю, бошидан ўтган савдоларни тушунмай туриб, у ҳақда фикр айтиш қанчалар тўғри?!

Миллатимиз учун аёл шаънидан улуг нарса йўқ! Азалдан шундай бўлиб келган, Ер юзидан бир донга ўзбек қолса ҳам шундай бўлса керак, деб ўйлай-вераман. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос фазилати, урф-одати, қадриятлари-ю аънавалари бўлади. Ўзбекчиликда опа-сингилларимиз оиланинг ор-номуси саналади. Аёл шаънига тушган доғ бир оиланинг шаънини ер билан яксон қилади. Бугунгидек ким ўзарга ғийбату ҳақоратлаш замонида ҳам бу ақида доимгидек поғонада турибди.

Аёлнинг шаънини биргина сўз билан ер билан битта қилиш, уни тириклайин гўрга тикқандек гап. Эракка киши хато қилса, ҳақоратланса, унчалар оғир эшитилмас, эҳтиомл... Аммо аёлни ҳақоратлаш унинг нафислигини йўқ қилади. Шаънига доғ бўлиб тушади.

Покизалик, орасталик, гўзаллиги нафислик тимсоли бўлган нозик ҳилқатни бир оғиз сўз билан ёмон отлиқ қилиб қўйиш ҳеч гап эмас! Айтишингиз мумкин, айб унинг ўзиди бўлса-чи, деб. Айб ўзиди бўлсам, буви-ларимиздан эшитган гапимиз — бировни айбини бериктанингни яширин, биров билмаган айбини, қилган гуноҳларини Яратган ҳам яширармиш, ошкор қилдирмасмиш, беайб парвардигор, деган гапларини бир эсланг.

Номардлиги ноҳақлик йўли

Хотин-қизларни қилган хато-си учун қўрқитиш, шахсиятига тегадиган даражада "нозик" мавзудаги видео ва фотолари билан "шантаж қилиш", яқинларига ёки элга айбини ошкор қиламан, деб фирибгарлик билан ундан фойдаланиш, пул ундириш ҳам ноқонуний иш саналади. Бу турдаги жиноятлар учун Жиноят кодексининг нормаларига кўра, 3 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёхуд 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланишини биласизми?

Аёлнинг аёлини ҳақоратлашга нима дейсиз? Бундан баттари бўлмаса керак. Ўзини оқ, ўзгани қора дейиш учун ҳам далил-исбот керак, албатта. "Далил-исботим бор, энди мендан кўрадингизни кўради" деб йигит талашиб, эр талашиб, қўшқотинлик балосига йўлиқиб, уй-жой талашиб, ака-укаси, опа-синглиси билан мерос талашиб, керак бўлса, ҳамкасби билан обрў талашиб, мансаб талашиб оғзидан ади қилиб, бади чиқарган хотин-қизлар ҳар қанча пардоз қилиб, ўзига оро бермасин, ён-атрофдагиларга совуқ кўринаётгани бор гап!

Бировнинг хўрланиши,

гурури оёқ ости қилинишини, инсоний шаъни топталишини, жанжаллашини томоша қилиб, тасвирга олиб туриш учун одам камида тош бўлиши керак! Дийдамиз тошдан ҳам қаттиқ бўлиб кетдимиз!?

Аёл хато қилса, кечирилмайдими?

Кечирилганида ҳам, аёлнинг шаънига тушган бу доғ умрбод қолади. Бу гаплар ҳам анча эскирди, шекилли. Бўлмаса, шаънига доғ тушишдан қўрқмаётганлар нега бунча бемаза қовунинг уругидек кўпайиб, туп қўйиб, палак ёзиб, тобора кенг камровни эгаллаб, бутун бир жамяятдаги аёл деган ҳилқатнинг шаънига доғ туширжамликлар бормоқда.

Бир аёлга айтилган гап бошқаларни ҳам зир титратиши керак эмасми? Бунга ҳам кўз юмадиган бўлиб қолдикми-кан? "Ҳай, ўми, унинг ўзи зоти шунақа, онасини қўриб, қизини ол, қирғонини қўриб бўзини...". Шу тахлитдаги хотиржамликлар хотин-қизларимизни жамяятда икки тоифага ажратиб қўйишга улгурди.

Ҳеч кимдан, ҳеч нарсадан, ҳатто яқинларидан ҳам паноҳ тополмай, ёлғизланиб, яқаланиб қолган аёл ибодатга берилса, "Ғар қариса отин бўлади" дейдиганлар кўпайди. Ҳой, барака топкур, ўзингда айб йўқми?


Жамяятга сўз айтиш этика, эстетикасининг мароми ўзгариб бормоқда. Жамяятда айнан шундайларнинг овози тобора баландлаб, нафис, майин овозли маъсумалар ғира-ширада қолиб кетаяпти. Сизга қандай, билмадим, менда шундай таассурот.

Инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида дунё қонунчилигида етарлича қонунчилик ҳужжатлари мавжуд. Аммо... кун сайин замон ўзгараёпти, одамларнинг яшаш тарзи ўзгараёпти. Қонунчилик ҳам замон билан қадам-бақадам ўзгариши шарт! Бу — давр тақозоси! Мамлакатимиз қонунчилигида инсон шаъни ва қадр-қиммати камситилишини қонуний ҳимоя қилувчи ҳуқуқий нормалар етарли. Лекин улар қай даражада ишляпти?! Назаримда, жабрланувчининг шикоятига қараб ўтирмай, бундай ҳолатларни таҳлил қилмайдиган яна бошқа алоҳида бир механизм керак! Токи, инсон ҳуқуқини, унинг шаъни ва қадр-қиммати оёқ ости қилинамасин! Юқорида бу мавзунини айна ҳуқуқий эмас, фақат ахлоқий мезонлар билан ўлчадик. Бу бежизга эмас, ҳар биримиз ўзимизни ислоҳ қилмас эканмиз, ҳеч қайси қонун бизни бошқара олмайдими!

Гулбаҳор ОРТИҚҲУЖАЕВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

МУЛК ижараси тушунчасига бевосита Фуқаролик кодексининг 535-моддасида таъриф берилган. Унга кўра, мулк ижараси шартномаси бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига ҳақ эвазига мол-мулкни вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини олади.

ЖАВОБГАРНИНГ АПЕЛЛЯЦИЯ ШИКОЯТИ НЕГА РАД ЭТИЛДИ?



Давлат ҳам бевосита мулк ҳукуки субъектларига кириши мазкур кодекснинг 168-моддасида қатъий белгилаб қўйилган. Давлат мулкни ижарага беришининг ҳукукий асослари эса, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги "Давлат мулкни ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган. "Давлат мулкни ижарага бериш тартиби тўғрисида"ги Низомда тўлиқ ёритиб берилган.

Хозирги кунда иктисодий судлар томонидан кўриб чиқиладиган низоларнинг аксарияти мулк ижараси муносабатларидир. Айниқса, давлат мулкни ижарага бериш қондаларига риоя қилинмаслиги оқибатда низолар келиб чиқмоқда.

Шу ўринда Навоий вилоят суди томонидан кўриб чиқилган иктисодий иш мазмунини билан танишсак. Давлоғар давлат активларини бошқариш агентлиги хузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси Кармана туманларо иктисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар "Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонасидан 48 млн. 11 минг

178 сўм ижара ҳақи ундиришни сўраган.

Кармана туманларо иктисодий судининг 2022 йил 11 февралдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогарнинг даъво талаби қаноатлангизилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 48 млн. 11 минг 178 сўм, икки қарра ижара тўлови ва олдиндан тўланган 21 минг 600 сўм почта харажати ҳамда республика бюджетига 960 минг 223 сўм давлат божини ундирилган.

Бундан норози бўлган жавобгар апелляция шикоятини бериб, унда суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилишни ҳамда даъво талабларини рад қилиш тўғрисида янги қарор қабул қилишни сўраган.

Навоий вилоят суди иктисодий ишлар бўйича судлов хайъати томонидан мазкур иш 2022 йил 14 апрелда кўриб чиқилиб, судлов хайъати қуйидаги асосларга кўра биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлангизмасдан қолдиришни лозим топди.

Жавобгарга тегишли 15-сонли омборхона Навоий шаҳар, "Спутник" кўрғони, "Бунёдкор" маҳалласида жойлашган.

Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси ҳолимлари 2021 йил 19 апрель кунини шу маҳалла ҳудудида жойлашган нотураб объектларда хатлов ўтказган. "Навоий кон-металлургия комбинати" балансидаги давлат объекти ҳисобланадиган омборхона биноси "Sandida treyd" МЧЖ томонидан уч томонлама ижара шартномаси расмийлаштирилмаган ҳолда фойдаланиб келинаётганлиги аниқланган.

Юқоридаги қарорнинг 6-банди иккинчи хатбошисига давлат мулкни ижара шартномаси тузмасдан ижарага бериш, ижара шартномасида ижарага берилган мулкнинг параметрлари ва сони атайлаб нотири кайд этилганлиги, натижада ижара тўловининг яширилишига олиб келганлиги ҳолати аниқланган тақдирда марказ қонун бузилиш аниқланган санадан бошлаб уч иш кунини мобайнида, белгиланган тартибда давлат мулкдан фойдаланганлик даври учун ижара тўловини икки баравар миқдорда ҳисоблаб чиқиши ва уни ундириш учун тегишли ҳужжатларини балансида сакловчига тақдим этиши кўрсатилган.

Давлоғар қарор талабларидан келиб чиқиб, 2021 йил 1 июнда жавобгарга 2021 йил 1 январь кунидан 18 апрель кунига қадар ҳисобланган ижара тўлови суммасининг икки баравари миқдорини 15 кунлик муддат ичиде ихтиёрий тўлаб бериш ҳақида талабнома билан мурожаат қилган.

Жавобгарнинг 2021 йил 6 январдаги жавоб хатида кўрсатилишича, омборхона "Sandida treyd" МЧЖга ижарага берилмаган. Аксинча, товарни омборда омонат саклаш шартномаси асосида маҳсулотларини саклаб келаётганлиги кўрсатилиб, талабномага рад жавоби берилган.

Қарорнинг 6-банди учинчи хатбошисига, ҳисоблаб ёзилган тўлов суммаси балансида сакловчи томонидан тўланмаган тақдирда давлат мулки жойлашган жойдаги марказ ҳужжатлар балансида сакловчига тақдим этилган санадан бошлаб ўн иш кунини ўтгач ҳисоблаб ёзилган тўлов суммасини белгиланган тартибда ундириш учун материалларини судга топшириши кўрсатилган.

Шу сабабли, даъвогар суддан жавобгарни ижара маркази орқали ижара шартномаси тузмасдан бўш турган бинонини фойдаланишга топширганлиги учун айб-лаб, икки баравар миқдорда ижара ҳақи ундиришни сўраган.

Қарорнинг 3-бандида давлат мулки юридик ва жисмоний шахсларга марказлар орқали ижарага берилиши ҳамда 6-банди биринчи хатбошисига, давлат мулкни балансида сакловчиларнинг мансабдор шахслари уларнинг тасарруфида бўлган фойдаланилмаётган давлат мулки тўғрисидаги маълумотлар марказларга ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли бериши учун шахсан жавоб бериши кайд этилган.

Жавобгар эса, ўзининг балансида бўлган "Спутник" кўрғони, "Бунёдкор" маҳалласида жойлашган 15-сонли омбор бўш турганлиги ҳақида даъвогарга маълумот бермаган.

Бундай ҳолатда жавобгар ўзига тегишли бўлган мазкур омбор биносини "Sandida treyd" МЧЖга ҳеч қандай ҳужжатларсиз топширганлиги ўз тасдиғини топади.

Судлов хайъати томонидан жавобгарнинг "Sandida treyd" МЧЖга бинонини омонат саклаш шартномаси орқали берилган деган ваъдаси ўз тасдиғини топади.

Чунки судга қадар шартнома тарафлари шартномага ўзгартириш киритиш ҳақида бир-бирига мурожаат қилмаган ва "Sandida treyd" МЧЖга 15-сонли омборхонадан фойдаланиб келаётганлиги биринчи инстанция судининг дастлаб берилган даъво аризаси бўйича ўтказган сайёр суд мажлисида аниқланган ҳолатлар билан ҳам ўз тасдиғини топан.

Тарафлар ўртасида тузилган омонат саклаш шартномасида эса шартноманинг муҳим шартлари бўлган ашё ҳамда шартноманинг бошқа белгилари кўрсатилмаган.

Шу сабабли судлов хайъати жавобгарнинг апелляция шикоятлиги ваъдалар билан келишмасдан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини асосли деб топиб, апелляция шикоятини рад этишни лозим топди.

Мазкур иктисодий ишда жавобгар томонидан давлат мулкни ижарага бериш қондаларига риоя қилинмаганлиги оқибатда икки қарра ижара ҳақи ундирилиб, жавобгарлик масаласи ҳал этилган.

Лутфулла ТОШМУРОДОВ,
Навоий вилояти суди судьяси

Оила қуриш учун биргина муҳаббатнинг ўзи қифоя эмас экан. Эр-хотин ўртасида ўзаро ишонч ва меҳр ҳам шунга яраша бўлиши лозим. Аксинча, оила қўғғони бузилиб, икки ўртада беғуноҳ фарзандлар сарсон бўлади.



Фарзандлар онасига қайтарилди

Назира Ашурова (исм-шарифлар ўзгартирилган) нинг ҳам тўю томошалар билан бошланган турмуши маълум вақт ўтиб бузилди. Яқин қариндошлари ўртада фарзанд туғилса, ҳар қандай ноаҳил она ҳам ўз-ўзидан тинчийди, бола эр-хотин ўртасидаги кўприк, дея насихат қилинди.

Йўқ. Бу ҳол оилада фарзанд туғилганидан кейин ҳам кузатилмади. Бирин-кетин дунёга келган 2 нафар фарзанд ота-она ўртасидаги жарликка кўприк бўла олмади. Назира ва унинг турмуш ўртоғи орасидаги муносабатлар кундан-кунга совуқлашиб борди. Охир оқибат турмуши тикланмаслигига қўзи етган аёл фарзандларини онасининг қарамоғида қолдириб, 2 йил муддатга Россияда ишлаш учун кетди. У кетган ордан қўл ўтмай, қайнона бўлишининг "бувилик меҳри" жўшиб, невараларини муро-мадорасиз олиб кетди. Қолаверса, эри ва қайнонаси суд орқали Н.Ашуровани оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳам улғуришди. Аммо беккиш она бунга бардош бера олмади. Яъни, минг хил ўй ва ҳадик билан Ўзбекистонга қайтиб келган Назира жигаргўшаларини ўз бағрига олишга ҳаракат қилади. Унинг фарзандлари келажаги ҳақидаги ҳавотири ўринли эди, албатта. Негаки, собиқ турмуш ўртоғи жиноий қилмишлари тўғрисида суд ҳукми билан озоликдан маҳрум қилинган, фарзандлари эса қайнонасининг қарамоғида оғир шaroитда яшаб келаётганини бутун маҳалла-қўй биларди. Аниқроғи, буви бўлиш кун ора "тарбиявий соат" ўтиш асносида қўлига ортиқча эрк бериб, невараларига тан жарохатлар ҳам етказганли.

Хуллас, Н.Ашурова қонун қўмағи билан оналик ҳуқуқини тиклаб, фарзандларининг тарбияси билан ўзи шугулланиши кераклигини билдирган ҳолда судга мурожаат этди. Натижада фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманларо судининг қарори билан унинг мурожаати қаноатлангизилди. Аммо Назиранинг қайнонаси бундан норози бўлиб, апелляция шикоятини беради.

Қонун талабига кўра, агар ота-она (улардан бири) ўз ҳулқ-атвори, турмуш тарзини ва бола тарбиясига бўлган муносабатини ўзгартирган ҳолларда ота-оналик ҳуқуқи тикланиши мумкин. Назира ҳам ўз оналик меҳри ила фарзандларининг ахлоқидан мунтазам ҳабаб олиб турганди. Яъни, болаларининг ейиш-ичиши, кийиниши, таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб келаётганини кўпчиликка равшан эди.

Албатта, болаларга она керак. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам онасининг ёнида бўлишни ва онасини яхши қўришларини тақдор-тақдор билдиришди. Бундан ташқари, вақт етмаганлар масаласига даҳлдор масъул шахслар ҳам болалар онаси билан бирга яшашни хошлашларини, буви-си уларга ёмон муносабатда бўлиб келаётганлигини тасдиқлашди. Бинобарин, судлов хайъати фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманларо судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз, қелтирилган апелляция шикоятини қаноатлангизмасдан қолдиришни лозим топди.

Анвар РАХИМОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Урганч
туманларо суди судьяси

Жиззак вилоят адлия бoшқармасининг 2022-йил 26-йилдаги 141-ум-сонли буюрғига асосан Есонов Алишер Улуғмуратович "МАЛАКАЛИ РИМОЯ" адвокатлар ҳай'атига ишга кирганлиги муносабати билан унга янги 163-сонли адвокатлик гувоҳномаси берилганлиги маълум қилинди.

Жиззак вилоят адлия бoшқармасининг 2022-йил 23-йилдаги 135-ум-сонли буюрғига асосан Жиззак шаҳрида факультет олиб бoриладиган "ЖИЗЗАК АДВОКАТЛАР" адвокатлик фирмаси адвокатлари Ибрагимов Садулла Хайдаровичга 2022-йил 29-мартда берилган ГЗ 000158-сонли адвокатлик факультет билан шугулланиш ҳуқуқини бeрyвчи лизензияси ҳамда 2022-йил 11-апрелда берилган 153-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши унинг вафот

етганлиги муносабати билан тугатилди.

Жиззак вилоят адлия бoшқармасининг 2022-йил 25-йилдаги 137-ум-сонли буюрғига асосан адвокат Ражабов Руслан Баходировичга 2019-йил 22-январда берилган ГЗ 000102-сонли лизензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми 2022-йил 25-йил кундан тикланди.

Жиззак вилоят адлия бoшқармасининг 2022-йил 20-йилдаги 129-ум-сонли буюрғига асосан Қошқаров Нормаммадан Байқулович "МАЛАКАЛИ РИМОЯ" адвокатлар ҳай'атига ишга кирганлиги муносабати билан 161-сонли адвокатлик гувоҳномаси ва мақоми берилди.

Навоий вилоят адлия бoшқармасининг 2022-йил 12-йилдаги 158-ум-сонли

буюрғига асосан Навоий шаҳридаги "НАВОЙИ ЮРИДУС ЗИОСИ" адвокатлик фирмаси адвокати Омонов Ахмед Мамасалievичнинг адвокатлик мақоми юрй қилини 17-йулдан охи о муудатига то'хтатилди.

Жиззак вилоят адлия бoшқармасининг 2022-йил 20-йилдаги 130-ум-сонли буюрғига асосан Жиззак шаҳрида факультет олиб бoриладиган "SEVINCHI" адвокатлар ҳай'ати адвокати Жўраев Мурат Точчиловичга 2019-йил 3-мартда берилган ГЗ 000118-сонли адвокатлик факультет билан шугулланиш ҳуқуқини бeрyвчи лизензияси ҳамда 2019-йил 3-мартда берилган 108-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши унинг вафот етганлиги муносабати билан тугатилди.

Жиззак вилоят адлия бoшқармасининг

2022-йил 22-йилдаги 132-ум-сонли буюрғига асосан Мирзаяев Сарвар Акбаровичнинг адвокатлик факультет билан шугулланиш ҳуқуқини бeрyвчи лизензияси "Фуқаролик ва иқтисодий" ҳамда "Мамурий ва жиноий" суд ишларини юритиш идиологикари бoйича қайта расмийлаштирилганлиги ҳамда "RECRUIT" адвокатлик буюросига ишга кирганлиги муносабати билан унга янги 162-сонли адвокатлик гувоҳномаси берилди.

Жиззак вилоят адлия бoшқармасининг 2022-йил 23-йилдаги 133-ум-сонли буюрғига асосан "Калот" адвокатлар ҳай'ати адвокати Убайдуллоев Гайратов Азизовичга 2018-йил 28-декабрда берилган ГЗ000046-сонли лизензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми 2022-йил 22-йулдан 1 (бир) о муудатига то'хтатилди.

Инсон
ва қонун

МУАССИСА:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРАЛИГИ

"Адолет" илгилги ҳуқуқий
ахборот маркази нашри
info@adolmarkaz.uz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинган
1358 2020-2021
4772020786008

Бош
муҳаррир
Қўқор
НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:

Икрамов Музафр Муборакхонджоевич
Тожибе Фурқат Шомуродович
Юлдашева Шохидоҳон Руфатовна
Бахронов Шерзод Холмуродович
Искандоров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган
қўлёзма-лар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.

Навбатчи
Маруса Хрошкова
Саҳифаловчи-
дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А3 бичида, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Business print" хусусий корхонаси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Сўғалти ота, 5а-уй

Тиражи — 3170
Буюртма — 202

Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 19:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.
Чилонзор кўчаси-29.
Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Базоси ялпилигининг нарди

1 2 3 4 5



ТАДБИР

БЎСТОНЛИҚ туманидаги “Олмос” саноатиясида Ўзбекистон Нотариал палатасининг матбуот анжумани бўлиб ўтди. Ноанъанавий тарзда ўтказилган маъруза тадбирда палата қошидаги “Фаол нотариуслар” гуруҳи ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

“ОЛМОС”ДА матбуот анжумани

Анжуман аввалида Нотариал палата раиси Дилшод Ашуров 2022 йилнинг дастлабки ярим йилда нотариат тизимида амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисобот берди. Д.Ашуровнинг таъкидлашича, жорий йилнинг биринчи ярмида нотариуслар томонидан кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ 156 минг 230 та шартнома, 511 минг 864 та автомашина олди-сотиш шартномаси, 15 минг 341 та автотransпорт ҳада шартномаси, 135 та айирбошлаш шартномаси, 54 минг 364 та автотранспортни ижарага бериш бўйича ижара шартномаси, 6 минг 690 та васиятнома расмийлаштирилган. Шунингдек, турар жойни ижарага олиш бўйича 20 та, нотаражойни ижарага олиш бўйича эса 19 та шартнома давлат рўйхатидан ўтказилган.

Ҳисобот даврида Нотариал палата ва унинг ҳудудий бошқармаларида жами 251 та муносабат келиб тушган. Шундан 69 таси қаноатлантирилган, 145 тасига тегишли тартибда ҳуқуқий тушунишни беришган.

Ўтган давр мобайнида Германия ва Қирғизистон давлатлари билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Нотариал палата томонидан қонунчиликни такомиллаштириш, яъни норматив ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича 5 та таклиф киритилган. Шунингдек, нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштирилган васиятномалар, ишончномалар ва аризаларни расмийлаштириш бўйича Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш ҳамда Мудофаа вазирликлари ваколатли раҳбар ходимлари учун услубий қўлланма ишлаб чиқилди.

Албатта, соҳанинг намунали ва ижобий фаолияти малакали кадрларга ҳар жиҳатдан боғлиқ. Шу маънода айтганда, 2022 йилнинг биринчи ярми давомида 74 нафар нотариус Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш марказининг медиаторлик курсларида тахсил олиб, профессионал медиаторлик сертификатларига эга бўлишди. 25 нафар номзодга эса ҳуқуқий амалиёт билан шуғулланиш ҳуқуқи берувчи лицензия берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, матбуот анжуманида сўнг Ўзбекистон Нотариал палатаси ва Лё ва, Беларусь ҳамда Озарбайжон нотариал палаталари ҳамкорлигида “Нотариат соҳасидаги я. тиликлар” маърузида халқаро конференция ҳам бўлиб ўтди. У да Литва Нотариал палатаси вакили Мариус Страйткявичус “Масофавий нотариат”, Беларусь “Нотариал палатаси президенти Наталья Борсеяк”нинг “Ижро ёзуви”, Озарбайжон Республикаси Адлия вазирлигининг Нотариат ва рўйхатдан ўтказиш бош бошқармаси бош масlahатчиси Заур Гасановнинг мобил нотариат яловасига оид маърузалари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Нотариат соҳасини рақамлаштириш, масофавий нотариатни йўлга қўйиш орқали аҳолига кўрсатилаётган ҳуқуқий хизмат қулай, тезкор ва овораварчилликларсиз экани, бу борада литваллик ҳамкасбларимизнинг тажрибалари ҳақидаги маърузани қизиқиш тингладик, — дейди тадбир иштирокчиси, Загнота туманида ҳуқуқий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Зулфия Османова.

Бугунги шиддатли давримизда нотариал ҳаракатлар турлари ўзгариб боради, ривожланган давлатлардаги каби далилларни таъминлаш, ижро ёзуви каби янги нотариал ҳаракатлар кириб келади, бу табиий, — деди Нотариал палата раиси Д.Ашуров.

Конференция якунида маърузалар юзасидан кизгин мунозара ва савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Ўз мухбиримиз

Эътироф этиш керак, бугунги кунда ҳар бир ёш назорат ва эътиборда. Уларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, спортнинг ўзи истаган тури билан шуғулланиши, ҳуллас ўз имкониятларини юзга чиқариши учун етарлича шарт-шароитлар яратилмоқда. Ҳаттоки айрим тоифалари учун бир қатор имтиёзлар берилмоқда. Буларнинг бари қундалик ҳаётимизда учраётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик, ажримлар, фирибгарлик, лоқайдлик, ёт ғояларга берилиш ҳамда бошқа маънавий иллатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Айниқса, 2019 йилда Юртбошимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Қолаверса, бу борадаги сай-ҳаракатлар соҳибқирон Амир Темури “Темури тузуқлари”даги ҳеч қачон эскирмайдиган, инсон маънавияти учун бугун ҳам озиқ бўладиган ҳикматли фикрларнинг қанчалик ҳаётий эканини яна бир қарра исботлайди. Ҳусусан, буюқ саркарданинг

Тажрибамда қўрилганим, азин қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шиқоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир

деган сўзлари бугунги кунда ҳам маънавий жиҳатдан нақадар долзарблиги барчамизга аён. У кишининг бундай чуқур маъноли ҳикматлари халқимизнинг “Билаги зўр бирини, билими зўр мингини ййкар” деган мақолига ҳамохан бўлиб, инсонни доимо ақл-идрок, адолат ва юксак маънавият асосида яшашга даъват этади.

Президентимиз ёшлар бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бинобарин, “Ёшлар кунин” байрамидаги маърузасида тадбиркорлик дастурларига 220 минг нафар, касб-ҳунар ўрганишга 130 минг нафар, давлат қороналари ва ҳуқуқий сектордаги бўш иш ўринларига 110 мингдан зиёд ўғил-қизлар жалб этилишини таъкидлади. Шунингдек, ота-оналарга, устоз-мураббийларга нафакат ёшларнинг билими ёки касб-ҳунарига, балки уларнинг ахлоқ-олиби, ҳулқига ҳам жиддий эътибор қаратили-

ДАВЛАТИМИЗ раҳбари 2022 йил 30 июнь кунин “Янги Ўзбекистон” боғида бўлиб ўтган тантанавий республикамиз ўғил-қизларини табриқлар экан, “Сизлар билан учрашиш, таклиф ва ташаббусларингизни эшитиш менга ҳар доим қувонч ва гурур бағишлайди. Шижоат ва интилишгизни кўриб, ёниб турган кўзларингизга боқиб, ўзимга битмас-туганмас куч оламан. Сизлар мана шундай катта куч-қудрат эгасисизлар”, дея алоҳида таъкидлади.



ши муҳимлигини уқтирмоқда. Негаки фарзанд аввало оила боғида униб-ўсади. Устозлар эса уни янада қомиллик сари етаклайди.

Шу ўринда, Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ” асарини эслайлик. Унинг фикрича, болаларда ахлоқий хислатларнинг таркиб топишида ижтимоий муҳит, оилавий шароит ва боланинг атрофидаги кишилар ғоят катта таъсир кучига эга эканлиги ҳамда инсоннинг ҳур фикрли бўлишида оила, оилавий тарбиянинг аҳамиятини кўрсатиб беради. “Тарбияни тутилган кундан бошламоқ, вужудимизни қувватлантирмоқ, ахлоқимизни кучлантирмоқ керак, зехнимизни эса равшанлантирмоқ лозим” деганида нақадар ҳақ эди Абдулла Авлоний.

Ривожланган мамлакатларда миллий қонунчилигини мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолатни қучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш таъминловчи асосий ўринга қўйилган. Масалан, Америка Қўшма Штатларида халқни бираштираувчи ва ҳаракатга келтирувчи куч сифатида “Аме-

рика ордени” ғояси асосий ўринда турса, “Олга, Сингапур!” шiori Сингапур мўъжизаси ислохотлари орқали ҳаётга татбиқ этилган. Францияда барча нараса инсон ва унинг манфаатлари учун, эркинлик, тенглик ҳамда биродарлик ғоялари асосида давлат инсонларга чексиз ҳуқуқ ва эркинликларни яратиб берган, уларни мамлакат манфаатлари йўлида бирлаштирган. Хитойда эса маънавий тарбия тизими она Ватанга хизмат қилиш ва содиқ бўлиш ғояси асосида ташкил этилган.

Кези келганда ёшлар тарбиясига оид бир таклифни ўртага ташламоқчиман. Айни пайтда аҳоли, айниқса, ёшларнинг фикрлаш тарзи ва дунёқарашини ўрганиш мақсадида ҳар бир ҳудудда “Ёшларнинг МАЪНАВИЙ киефаси” каби сўровнома шаклидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш зарур. Носоголом фикрлар юқори чиққан ҳудудларда алоҳида махсус дастурлар асосида иш ташкил этилса, мақсадлар мувофиқ бўлар эди.

Мунира ҚАХХОРОВА,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
институтини директори ўринбосари

БИЛАСИСМИ?

ЭГАСИЗ БУЮМ ТОПИБ ОЛСАНГИЗ, НИМА ҚИЛАСИЗ?

АСЛИДА НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

АГАР сиз бирон бир жойда (масалан, театр, дўкон ёки шиқоҳона) ёки транспортда ҳамён топансиз, уни олмаганингиз ёки ўтиб кетганингиз маъқул. Ақс ҳолда сизга нисбатан Жиноят кодексининг 169-моддаси 4 (ўғрилик) асосан жиноят иши қўзғати... лш мумкин.

Ёдингизд бўлсин! Фуқаролар жамоат жойларида нарсаларини йўқотсалар ёки унутиб қолдирсалар, улар тегишли жойнинг маъмуриятига нарсасини қайтариб бериш талаби билан муносабат қилиш ва ўғрилик ҳақида ариза билан жиноий иш қўзғатиш ҳуқуқига эга.

Яъни, сиз жамоат жойларида ҳамён ёки бошқа нарсга топиб олсангиз, уни ёнингизда қолдирмасдан, дарҳол тегишли маъмуриятга тои ширинингиз ы рақ. Ашёнинг эгасини ў ялғиз топиб, унга нарсасини қайтариш, ниятингиз бўлса ҳам, Сизга нисбатан киноий иш қўзғатилиш хавфи мавжуд. ! Ёу боис, ушбу ҳолатларда нима-ларга ам л қилиш кераклиги ҳақида тушунтириш бериб ўтамиз:

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига асосан эгаси бўлмаган ёки эгаси номалум бўлган ашё эгасиз ашё ҳисобланади. Агар бу ҳол топилма тўғрисидаги, қаровсиз хайвонлар ва ҳазина тўғрисидаги қондаларда рад этилмаган бўлса, эгасиз қўчар ашёларга эғалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида қўлга қиритилиши мумкин.

ҚАНДАЙ АШЕ ТОПИЛМА ҲИСОБЛАНАДИ?

Топилма — йўқолган ашё ҳисобланади, уни топиб олган шахс бу ҳақда уни йўқотган шахсини ёки ашё эгасини ёҳуд уни олиш ҳуқуқига эга бўлган ўзга маълум шахслардан биронтасини дарҳол хабардор этиши ҳамда топилган ашёни шу

шахсга қайтариши шарт.

ЭГАСИЗ АШЕНИНГ ТАҚДИРИ ҚАНДАЙ КЕЧАДИ?

Эгасиз кўчмас ашёлар тегишли давлат органининг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг аризасига мувофиқ кўчмас мол-мулкни давлат рўйхатига олувчи орган томонидан ҳисобга олинади.

Эгасиз кўчмас ашё ҳисобга олинганидан кейин бир йил муддат ўтгач, давлат мол-мулкни бошқаришга ваколати бўлган орган ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бу ашёни давлат мулкига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига қирган деб ҳисоблаш тўғрисидаги талаб билан судга муносабат этиши мумкин.

Эгасиз ашёларни аниқлаш ва ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

АШЕЛАР ТРАНСПОРТДА УНУТИБ ҚОЛДИРИЛГАНДА...

Ашё бинода ёки транспортда топилган бўлса, у шу бинонинг ёки транспорт воситасининг эгаси бўлган шахсга топширилиши лозим. Топилма топширилган шахс ашёни топиб олган шахсининг ҳуқуқларини қўлга қиритади ва унинг мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Топилган ашё қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номалум бўлса ёки унинг маъзили маълум бўлмаса, ашёни топиб олган шахс топилма тўғрисида ички ишлар органига, тегишли давлат органларига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълум қилиш шарт.

Ашёни топиб олган шахс уни ўзида сақлаб туришга ёки сақлаш учун ички ишлар органи, тегишли давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ёҳуд улар кўрсатган шахсга топширишга ҳақли.

АШЕНИНГ ЭГАСИ ТОПИЛМАСА, У СИЗНИКИ

Лекин бунинг ҳам ўз қонуний тартиби ва муддати бор! Агар йўқолган ашёни олишга ҳақли бўлган шахс топилма тўғрисида ички ишлар органига ёки тегишли давлат органига хабар қилинган пайтдан эътиборан 6 ой мобайнида аниқланмаса ҳамда ашёни топган шахсга ёҳуд ички ишлар органига, тегишли давлат органига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ушбу ашёга бўлган ўз ҳуқуқи тўғрисида арз қилмаса, ашёни топиб олган шахс унга эғалик ҳуқуқини олади.

Бунда, ашёни топиб олган шахс топилган ашёни мулк қилиб олишдан бош тортса, ашё давлат мулкига ўтади.

ТОПИБ ОЛГАН ШАХС МУКОФОТЛАНАДИ

Ашёни топиб олган шахс уни олишга ҳақли бўлган шахсдан топилма учун ашё қийматининг 20 фоизига қадар миқдорда мукофот талаб қилишга ҳақли.

Топиб олинган ҳужжатлар ёки ўзга ашёлар уларни олишга ҳақли бўлган шахсининг ўзи учунгина қийматга эга бўлса, мукофот миқдори шу шахс билан қилинган асосида, қилингувга эришиб бўлмаган тақдирда эса — суд орқали белгиланади. Топилган ашёни қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли бўлган шахс топилма учун қўпчилик ўртасида мукофот ваъда қилган бўлса, у қўпчилик ўртасида ваъда қилинган мукофотни ўша шартларга мувофиқ тўлайди.

Бунда, ашёни топиб олган шахс топилма ҳақида хабар қилмаган бўлса ёки уни яширишга уришган бўлса, мукофот олиш ҳуқуқи вужудга келмайди.

Мақсуд МУСТАФОЕВ,
“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот
маркази маъсул ходими